

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАНИШУВ
МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИДАН
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Билим соҳаси:	200000	Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	220000	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5220100	Филология (шарқ тиллари бўйича)

Тошкент – 2010 йил

Амалиёт бўйича мазкур услубий тавсиялар Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Алиев Д

– Тошкент давлат шарқшунослик институти
“Араб филологияси” кафедраси катта
ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими

Такризчилар:

Орифхўжаев Н.М

– Тошкент давлат шарқшунослик институти
“Араб филологияси” кафедраси мудири в.б,
катта ўқитувчиси

Муталова Г

– Тошкент давлат шарқшунослик институти
“Араб филологияси” кафедраси катта
ўқитувчиси

Услубий тавсия Тошкент давлат шарқшунослик институти Шарқ филологияси ва тарих факультети Илмий кенгашининг 2010 йил 17 июндаги 11-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Кириш

Ушбу услубий тавсия 1-2-3 курс талабаларининг мутахасисликларига мос ташкилотлар (илмий-текшириш институтлари, музейлар, академик лицейлар, мактаблар)га ташриф буюриб, у ердаги муассасалар иш фаолиятининг мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишиш, ҳар бир талабани қизиқтирган соҳаси бўйича келажакда илмий-тадқиқот ишлар олиб боришидаги дастлабки кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутди.

Талабаларнинг ёзги танишув амалиётининг долзарблиги шундаки, мазкур амалиёт филология йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишлари , ўқув-тарбиявий фаолиятни амалга ошираётган ташкилот билан яқиндан танишишдан иборатдир. Мазкур малакавий амалиёти талабаларга кўплаб ташкилотлар иши билан танишиш орқали уларда ана шу ташкилотлар ҳақида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ёзги танишув малакавий амалиётининг мақсади ва вазифалари:

Мазкур танишув малакавий амалиётни амалга оширишдан мақсад – талабаларни турли ташкилот иш-фаолияти билан таништириш, у ерда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ёки таълим-тарбия соҳасидаги ишлар ҳақида маълумот бериш.

Танишув малакавий амалиётнинг вазифаси – талабалар онгида ташкилотларда ишлаш, жамоа аъзолари билан яхши муносабатда бўла олиш, кейинчалик унинг илмий – педагогик фаолиятларида зарур бўладиган малака ва кўникмаларни шакллантириш.

Танишув малакавий амалиёти бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

Талабаларнинг ёзги танишув малакавий амалиётини амалга ошириш жараёнида талаба:

- танишув малакавий амалиёт ўтказган ташкилот олиб бораётган иш-фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак;
- у ердаги турли йўналиш бўйича олиб борилаётган илмий-амалий, таълимий-тарбиявий иш усуллари билан танишиши лозим;
- ташкилотлар иш-фаолияти ўртасидаги фарқларни англай олиши ва уларни фарқлай олиши ва уларнинг ишларидаги ўзига хосликни тушуниб олишлари керак;
- ташкилотда олиб борилаётган ишларнинг мазмуни, вазифаси, аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- ташкилотлар иш-фаолияти ҳақидаги маълумотларни йиғиш, уларни таснифлаш, уларнинг туб моҳиятини идрок этиш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришда малакага эга бўлиши керак;
- талаба ёзги малакавий амалиётдан олган назарий ва амалий билимларини кейинги педагогик ва илмий-тадқиқот ишини олиб боришда қўллай билиши керак.
- танишув малакавий амалиётнинг моҳиятини англаши, унинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини тушуниб етмоғи керак.

Асосий қисм

Ёзги танишув малакавий амалиёт ўтказиш мазмуни

Ёзги танишув малакавий амалиётининг ўқув тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Бу амалиётнинг талабаларнинг фанларни ўрганишдаги моҳияти. Мазкур амалиётнинг

талабаларнинг кейинги ҳаётидаги мустақил фаолиятига ижобий таъсири. Ушбу амалиётнинг талаба шахсининг шаклланишидаги аҳамияти.

Амалиёт ўтказиладиган ташкилотнинг вазифаси

- амалиёт ўтказиладиган ташкилот раҳбаридан унинг тасарруфидаги муассасада мазкур тадбир ўтказилишига рухсат бериши;
- амалиётнинг самарали ўтказилиши учун талабаларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериши;
- талабаларнинг ташкилот кутубхонаси китоб фондидан фойдаланиш, унинг иш фаолияти билан танишишга, лаборатория, кўргазма залларидаги экспонатлар, маълумотларни кўздан кечириш, томоша қилишлари, маълумот тўплашлари учун имконият яратиб бериши;
- талабаларнинг ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича материаллар тўплашларига ижозат бериши;
- амалиёт якунида ҳар бир талабанинг амалиёт кундалигига унинг амалиёт ўтаганлиги ҳақида белги қўйиб бориши лозим;
- амалиёт ўташ даврида талабаларга раҳбарлик қилиш учун масъул шахсни тайинлаши керак.

Талабаларнинг ёзги танишув малакавий амалиёти **ўтказишда институт ҳамда гуруҳлар** **раҳбарларининг вазифалари:**

- мазкур амалиёт бўйича талабаларни муайян гуруҳларга тақсимлаш ва уларнинг раҳбарларини тайинлаш;
- 1,2,3 – курс талабаларига танишув малакавий амалиёт вазифаси ва мақсадини тушунтириш;
- талабаларнинг ёзги амалиёт ўташ жойларини аниқлаш ва у ерга тегишли расмий хатлар билан мурожаат қилиш ;
- талабаларга ушбу амалиётга мунтазам қатнашишлари юзасидан масъулият юклаш;
- ёзги танишув амалиёти ўтказиладиган жойлар ҳақида талабаларни хабардор этиш;
- танишув амалиёти гуруҳларига раҳбар ўқитувчиларнинг амалиётни ўз вақтида ва сифатли ўтказишларига жавобгар эканликларини уқтириш;
- гуруҳ раҳбарларига ўз гуруҳларидаги талабаларнинг фақат институт белгилаган жойларда амалиёт ўтказишлари лозимлигини уқтириш;
- амалиёт ўтказиладиганлигини бир ҳафтада икки марта назорат қилиб бориш;
- танишув амалиётининг ниҳоясида ҳар бир талабанинг рейтинг дафтарчасига ўз вақтида рейтинг баҳоларини қўйилишини эслатиш;
- талабаларга қўйилган рейтинг баҳоларини деканатдаги қайдномаларга ҳам қайд қилишни уқтириш;
- танишув амалиётидан олинган маълумотларни қай даражада ўзлаштирилганликлари ҳақида ҳисобот ёзиб топширишларини эслатиш;
- танишув амалиёти якунида ҳар бир талаба ўтказилган амалиёт юзасидан кундалик дафтарини тўлдириб, раҳбарларига топширишлари зарурлигини уқтириш;
- ҳар бир гуруҳ раҳбарига амалиёт ҳақидаги ҳисоботни жорий йилнинг 1-июлига қадар ўқув бўлимига топширишларини уқтириш;

- мазкур амалиётга лоқайдлик, масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган талабаларга тегишли чора белгилаш;
- амалиёт ўтказилаётган ташкилот раҳбарияти билан гуруҳ раҳбарлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб бориш.

Ёзги танишув малакавий амалиёт ўташ чоғида талабалар қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- ҳар бир ташкилот ички қонун- қоидаларига риоя қилишлари;
- ташкилот биносидаги санитария- гигиена талабларига жавоб беришлари;
- ташкилот мулкани кўз қорачиғидек асрашлари;
- мазкур ташкилот биносига кириш ва чиқиш қоидаларига риоя қилишлари (доим ўзлари билан талабалар дафтарчасини олиб юришлари лозим);
- ташкилотнинг асбоб ускуналари, картотека, китоблари ва бошқа буюмларидан асраб – авайлаб фойдаланишлари;
- ташкилотда электр асбобларидан эҳтиёкорлик билан фойдаланишлари, ёнғин хавфини олдини олиш қоидаларига доим бўйсинишлари;
- ташкилот бирор буюмини рухсатсиз олиб чиқиб кетмасликлари;
- ташкилот ходимлари билан яхши муносабатда бўлишлари;
- ташкилотдаги шарқшунослик йўналиши бўйича мавжуд адабиётлар, фонотека, компьютер слайдларидан унумли фойдаланишлари ва келгуси илмий тадқиқот ишлари учун маълумотлар тўплашлари лозим;
- кўргазма залларидаги экспонатларни кўздан кечираётганда тартибли бўлишлари;
- ҳар бир ташкилот кутубхоналари китоб фондидан фойдаланиш пайтида эътиборли бўлишлари;
- ташкилот лабораторияси иш-фаолияти билан танишаётганда тинчликни сақлашлари;
- мазкур ўтказилган амалиёт якунида ташкилот раҳбариятига, у ерда фаолият кўрсатаётган ходимларга ўз минатдорчиликларини изҳор этишлари керак.

Ташкилотларда амалга ошириладиган малакавий амалиётни ўтказиш бўйича тавсиялар.

Давлат музейларидаги амалиёт бўйича:

1. Музейдаги ташкилий ишлар билан танишиш.
2. Талабаларнинг келгусидаги илмий тадқиқот ишларига материаллар тўплашга, картотека тайёрлашни ўргатиш.
3. Амалиёт ўташ жараёнини маълум бир тартибга (тизимга) солиш.
4. Музейдаги экспонатларнинг тўпланиш тарихи ва қўйилган материалларнинг манбалари ва мақсадини ўрганиш.
5. Мазкур музейнинг бошқа МДХ давлатлари билан ўрнатган алоқалари ҳақида маълумот олиш.
6. Музейнинг ёшларни ахлоқий-маънавий, руҳий ва маданий жиҳатдан тарбиялашдаги ўрнини, ролини англаб етиш.

А. Навоий номли давлат кутубхонасида ўталадиган амалиёт борасида:

1. Кутубхона раҳбарияти, у ердаги илмий ходимлар иш фаолиятлари билан танишиш
2. А. Навоий номли Давлат кутубхонаси ташкилий ишлари билан танишув
3. Кутубхонадаги китоблар фонди ҳақида маълумот олиш
4. Кутубхонадаги картотека тизими билан танишиш ва улар билан ишлашда малака ва кўникма ҳосил қилиш

5. Кутубхона ва унинг фаолияти ҳақида кинофильмлар тамошо қилиш
6. Кутубхонага аъзолар ҳақида маълумот олиш
7. Кутубхонадаги шарқшунослик йўналиши, хусусан, арабшунослик бўйича мавжуд адабиётлар билан танишиш
8. Арабшунослик бўйича чет элларда нашр этилган адабиётлар билан танишиш
9. Кутубхонанинг МДХ давлатлари кутубхоналари билан олиб борилаётган илмий алоқалари ҳақида маълумотга эга бўлиш.
10. Кутубхона томонидан нашр этилаётган илмий-услубий ва информацион адабиётлар билан танишиш.

Илмий – тадқиқот институтларида ўтказиладиган амалиёт бўйича:

1. Институтдаги ташкилий ишлар билан танишиш.
2. Илмий ходимларнинг илмий ва амалий фаолияти ҳақида маълумот олиш.
3. Қўлёзмалар фонди билан танишиш ва у ерда ишлаш тартибини ўрганиш.
4. Кутубхона китоб фонди ва компьютердаги китоблар ҳақидаги маълумотлар банки билан танишиш.
5. Картотекаларни тузиш ва улардан фойдаланишни ўрганиш.
6. Мазкур институт етакчи илмий ходимлари билан учрашув ўтказиш ва уларнинг тажрибалари билан танишиш.
7. Институт илмий ходимлари томонидан нашр этилган адабиётлар билан танишиш.
8. Институтда илмий ишлар (дессертациялар) нинг ҳимоя қилиш жараёнида қатнашиш.
9. Институт томонидан нашр этилаётган тўпламлар, илмий мақолалар билан танишиш.
10. Амалиёт ниҳоясида институт маъмуриятига миннатдорчилик изҳор этиш.

Академик лицейлардаги ўтказиладиган амалиёт бўйича :

1. Умумий ўқув жараёни билан танишиш ва академик лицейнинг синфдан ташқари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг иш-фаолияти билан танишиш.
2. Лицейнинг ўқув – тарбиявий режаси билан танишиш
3. Ўқитувчиларнинг кундалиқ фаолиятлари билан танишиш.
4. Синф журналларини расмийлаштиришни ўрганиш.
5. Ўқитувчиларнинг талабалар билан маънавий ва маърифий соҳада олиб бораётган ишлари билан танишиш.
6. Лицейдаги хорижий тил ўқитувчиларининг иш тажрибалари билан танишиш.
7. Лицейда ўтказиладиган синфдан ташқари тадбирларнинг мазмуни, тури ва ўтказилиш тартиби билан танишиш.
8. Лицейдаги иқтидорли ва улгурмовчи (ёмон ўзлаштирувчи) талабалар билан олиб борилган суҳбат ва тадбирлар мазмуни билан танишиш.
9. Лицейдаги компьютер ва лингафон хоналари иш-фаолияти ва уларнинг ўқув-тарбиявий ишдаги ўрни ҳақида маълумот олиш.
10. Кутубхонада амалга оширилаётган ишлар, дарслик ва қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси билан танишиш.

ТошДШИ Араб филологияси кафедраси 1,2,3 - курснинг ёзги танишув малакавий амалиётини ўтаган талабаларга қўйиладиган якуний баллар ишланмаси

1. 86-100 балл “аъло”
2. 71-85 балл “яхши”

3. 56-70 балл “қониқарли”

4. 0-55 балл “қониқарсиз”

1. 86-100 балл ёзги танишув малакавий амалиётнинг бошланишдан то охиригача фаол қатнашган, амалиёт ўтаган ташкилот ички қонун-қоидаларига қатъий риоя қилган, амалиёт давридан унумли фойдаланиб, ўзининг келажакдаги илмий-педагогик изланишлари учун асқотадиган маълумотлар тўплаган, амалиётнинг ўз олдига қўйган вазифасини бажарган ва деканатга мазкур амалиёт ҳақида ўз вақтида ҳисобот ва амалиёт кундалигини топширган талабага қўйилади.

2. 71-85 балл ёзги танишув малакавий амалиётнинг баъзи кунларига узурли сабаблар билан қатнаша олмаганлар, амалиётга қатнашган талабалар зиммасига қўйилган масъулиятни сезиб топшириқларни яримидан кўпини бажарган, амалиёт ўтаган ташкилотдан тўлиқ бўлмасада маълумот тўплаган, деканатга мазкур амалиёт ҳақида ҳисобот ва амалиёт кундалигини ўз вақтида топширган талабага қўйилади.

3. 56-70 балл ёзги танишув малакавий амалиётга узрли ёки узрсиз сабаблар билан 50% дан ортиқ муддатида қатнашган, амалиёт ўтаган ташкилот ички тартибини бажаришга эътиборсизлик билан қараган, зарурий маълумотларни тўплашга етарли эътибор бермаган, амалиёт кўзда тутган вазифаларни тўла уддалай олмаган, деканатга амалиёт кундалиги ва ҳисоботини ўз вақтида топширган талабага қўйилади.

4. 0-55 балл ёзги танишув малакавий амалиётга лоқайдлик, масъулятсизлик билан муносабатда бўлган, бунинг натижасида амалиёт тадбирларига умуман қатнашмаган ёки амалиётга қатнашиш пайтида ўша ташкилот ички қонун-қоидаларини бузганлиги учун ташкилот маъмурияти томонидан огоҳлантирилган ва амалиёт вазифаларини умуман бажармагани ҳақида деканатга амалиёт кундалиги ва ҳисоботини топширмаган талабага қўйилади.

Ёзги танишув малакавий амалиёти якунида I, II, III курс талабаларига қўйиладиган рейтинг балларининг ишланмаси

Т/Р	Курс	Амалиёт муддати	Неча кун?	Амалиётнинг бир кунлик рейтинг балини ҳисоблаш	Амалиёт бир кунлик рейтингининг ўртача бали
1	III	10 – 29 май	18	$100:18 = 5,5$	5,5
2	II	7 июнь – 3 июль	24	$100:24=4,1$	4,1
3	I	21 июнь – 3 июль	12	$100:12=8,3$	8,3

Жадвалдаги кўрсатилган амалиётнинг бир кунлик рейтинг балидан курслар бўйича қуйида умумий рейтинг бали берилган:

3 курс учун

“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо
100:18=5.5	85:18=4.7	70:18=3.8
99:18=5.5	84:18=4.6	69:18=3.8
98:18=5.4	83:18=4.6	68:18=3.7
97:18=5.3	82:18=4.5	67:18=3.7
96:18=5.3	81:18=4.5	66:18=3.6
95:18=5.2	80:18=4.4	65:18=3.6
94:18=5.2	79:18=4.3	64:18=3.5
93:18=5.1	78:18=4.3	63:18=3.5
92:18=5.1	77:18=4.2	62:18=3.4
91:18=5	76:18=4.2	61:18=3.3
90:18=5	75:18=4.1	60:18=3.3
89:18=4.9	74:18=4.1	59:18=3.2
88:18=4.8	73:18=4	58:18=3.2
87:18=4.8	72:18=4	57:18=3.1
86:18=4.7	71:18=3.9	56:18=3.1

2 курс учун

“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо
100:24=4.1	85:24=3.5	70:24=2.9
99:24=4.1	84:24=3.5	69:24=2.8
98:24=4	83:24=3.4	68:24=2.8
97:24=4	82:24=3.4	67:24=2.7
96:24=4	81:24=3.3	66:24=2.7
95:24=3.9	80:24=3.3	65:24=2.7
94:24=3.9	79:24=3.2	64:24=2.6
93:24=3.8	78:24=3.2	63:24=2.6
92:24=3.8	77:24=3.2	62:24=2.5
91:24=3.7	76:24=3.1	61:24=2.5
90:24=3.7	75:24=3.1	60:24=2.5
89:24=3.	74:24=3	59:24=2.4
88:24=3.6	73:24=3	58:24=2.4
87:24=3.6	72:24=3	57:24=2.3
86:24=3.6	71:24=2.9	56:24=2.3

1 курс учун

“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо
100:12=8.3	85:12=7.1	70:12=5.8
99:12=8.3	84:12=7	69:12=5.7
98:12=8.2	83:12=6.9	68:12=5.6
97:12=8.1	82:12=6.8	67:12=5.5
96:12=8	81:12=6.7	66:12=5.5
95:12=7.9	80:12=6.6	65:12=5.4
94:12=7.8	79:12=6.5	64:12=5.3
93:12=7.7	78:12=6.5	63:12=5.2
92:12=7.6	77:12=6.4	62:12=5.1
91:12=7.6	76:12=6.3	61:12=5
90:12=7.5	75:12=6.2	60:12=5

89:12=7.4	74:12=6.1	59:12=4.9
88:12=7.3	73:12=6	58:12=4.8
87:12=7.2	72:12=6	57:12=4.7
86:12=7.1	71:12=5.9	56:12=4.6

Изоҳ: “Талабаларнинг амалиёт ўташлари бўйича кундалик ҳисобот”ни тўлдириш бўйича тавсиялар

Тажриба шуни кўрсатдики, ўқитувчи ва талабалар кундалик ҳисобот дафтарчасини тўлдиришда бироз қийинчиликларни сезаяптилар, шунинг учун қуйида кундаликни расмийлаштиришга доир баъзи тушунтиришларни берамиз.

Авваламбор, талаба кундаликнинг биринчи бетини, иккинчи бетидаги сана, бажарилган иш мазмуни, ажратилган соат бўлимларини тўлдиради. Бунда амалиёт ўтаган ҳар бир куннинг рўпарасига ёзги танишув малакавий амалиётнинг ўқув Дастурида йўналишлар бўйича берилган мавзулар ёзилади. Балл ва раҳбарнинг имзоси хоналарини раҳбар тўлдириб, балл қўяди ва имзо чекади. Шунингдек, учунчи бетдаги “Тавсифнома” саҳифасига одат бўйича амалиёт ўтаган ташкилот тавсифнома ёзади ва имзо қўйиб ўз муҳри билан тасдиқлайди. Кундаликнинг тўртинчи бетидаги “Қарор” деб ёзилган жойини амалиётнинг умумий раҳбари тўлдиради ва кафедранинг қарорини ёзади. Ана шундан сўнг кундалик тайёр бўлади ва у деканатга топширилади.

2-бетдаги жадвални тўлдириш намунаси. (2 ҳафталик амалиёт учун)

Т/Р	Сана	Бажарилган ишлар мазмуни	Ажратилган соат	Балл	Раҳбар имзоси
1	10.05.10	Таш.раҳбарияти б-н танишиш	14:00 – 17:00	8,3	имзо
2	11.05.10	Таш. иш фаолияти б-н танишиш.	14:00 – 17:00	8,1	имзо
3	12.05.10	Ички қонун-қоидалар билан тан.	14:00 – 17:00	7,4	имзо
4	13.05.10	Таш.йиллик иш режа бн танишиш.	14:00 – 17:00	8	имзо

3-бетдаги “Тавсифнома”ни ёзиш намунаси:

3 – курс араб – инглиз 4-гуруҳи талабаси Мадина Юсуф қизи 2010 йил 5 майдан 29 майгача мазкур ташкилотда ёзги амалиётни ўтказди. Амалиёт даврида мактабдаги ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, уларнинг ўқитиш усул ва услубларини кунт билан ўрганди ва унда бу соҳада малака ва кўникма ҳосил бўлди. Шунингдек, талаба дарсдан ташқари машғулотларда фаол иштирок этиб, ўқувчиларнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир этадиган тадбирларни уюштиришда қатнашди. Талаба ўқувчилар билан тил топа олади, уларни умумий фойдали ишларга бошлай олади. Биз ўйлашимизки, бу талабага ўхшаган шарқшунослик институтининг бошқа талабалари ҳам келажакда етук мутахассис бўлиб етишишларига ишинч билдирамиз.

Амалиёт раҳбари Д.Алиев _____ 2010 й 29 май. Имзо _____ Муҳр ўрни

4-бет. Араб филологияси кафедрасининг қарорини тўлдириш намунаси

2 июнь 2010 йил

3 – курс араб – инглиз 4-гуруҳи талабаси Мадина Юсуф қизининг амалиёти юзасидан ҳисоботи қониқарли деб топилсин ва унга рейтинг 89 балл берилсин.

Асос: институт ректорининг ҒТ – 210/ 056 сонли буйруғи. сана 20 март 2010 йил.

Кафедра мудири Орифхўжаев Н.М. _____

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ж.Жалолов, “Чет тили ўқитиш методикаси”, Т, 1996.
2. Бўри Зиёмуҳаммадов, М.Тожиев, “Педагогик технология. Замонавий ўзбек модели”, Т. 2009.
3. Д.Алиев, “Араб тили дарсларида ноанъанавий усуллар”, Т, 2009.
4. О.В.Долганова, О.О.Петрова, Й.В.Шорохина, “Педагогика(шпаргалки)”, М, ЭКСМО 2008.

